

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ  
ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ  
ҚЎМИТАСИ  
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

«Ҳимояга рухсат»  
кафедра мудири  
Проф. Нишанов А.Х.

“ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2013 й

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Мавзу: Кутубхона “Статистика” тизими дастури

Битирувчи	_____	<u>Исаев С.К.</u>
	(имзо)	(Ф.И.Ш.)
Раҳбар	_____	<u>Рустамова О.Н.</u>
	(имзо)	(Ф.И.Ш.)
Такризчи	_____	<u>Холикназаров А.</u>
	(имзо)	(Ф.И.Ш.)
ХФХ буйича маслаҳатчи	_____	<u>Кодиров Ф.М.</u>
	(имзо)	(Ф.И.Ш.)

Тошкент 2013

## Мундарижа

Кириш. ....	6
I БОБ. ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНА ҚУРИШДАГИ ХУҚУҚИЙ ВА МЕЪЁРИЙ АСОСЛАР.....	9
1.1. Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташқил этиш тўғрисида Президент қарори.....	9
1.2. Предмет соҳаси.....	14
1.3. Ахборот тизимлари тузилмаси.....	18
1.4. Автоматлаштирилган иш жойлари (АИЖ).....	18
II БОБ. АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНА ДАСТУРИНИ ЯРАТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ .....	26
2.1. Масаланинг қўйилиши.....	26
2.2. Маълумотлар базалари тузилмаларини ишлаб чиқиш.....	27
2.3. Фойдаланувчига қўлланма .....	34
III БОБ. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ. . . . .	39
3.1. Иш жойларини ташқил қилиш.....	39
3.2. Ёнғин хавфсизлиги.....	45
Хулоса. ....	49
Адабиётлар. ....	50
Илова. ....	52

## **Мазмуннома**

Кутубхоналар, фойдаланувчилар эҳтиёжини қондириш учун ахборотларни йиғади, ташкиллаштиради ва тарқатади. Бу фаолияти давомида турли хил ишларни бажаради. Шунинг учун ҳам, ушбу битирув малакавий иши кутубхонаси турли ишларни бажаришини статистик ҳисобини ишлаб чиқишга мўлжалланган. Дастур иши натижасида, меъёрий маълумотлар асосида бажариладиган ишлар олади, кутубхонага ойлик ҳисоботи шакллантирилган. Дастур Дельфи ва PHP жилдларида ёзилган. Дастур ёрдамида бўлим ҳисоботлари ҳисоботларини яратиш мумкин.

## **Аннотация**

Библиотекарь собирает, организует и распространяет информацию, чтобы удовлетворить нужды пользователей и выполняет разного рода работы. Поэтому данная выпускная квалификационная работа посвящена разработке программы статического учета рабочего времени по видам работ библиотекарей. В результате работы программы формируется отчет библиотекаря за месяц по нормативным данным. Программа реализована на языке Дельфи и PHP. По результатам можно создавать отчеты отделов библиотек.

## **The summary**

The librarian collects, will organize and extends the information that satisfactions of need to users and performs any works. Therefore the given final qualifying work is devoted working out of the program of the static account of working hours by kinds of works of librarians. As a result of program work the report of the librarian for a month under the standard data is formed. The program is realized in language of Delfi and PHP. By results it is possible to create reports of departments of libraries.

## Кириш

Ўзбекистон мустақилликни қиритган дастлабки кунларданок эркин демократик давлат барпо этиш, халқнинг маънавий бой ва муносиб ҳаётини таъминлашдек эзгу мақсадни амалга оширишга киришди. Биз танлаган ривожланиш йўли жаҳон тажрибаларини, шунингдек асрларга тенгдош миллий анъаналар, урф-одатларни, анъанавий турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олиб, давлат ва жамиятни янгилаш ҳамда тараққий эттиришга йўналтирилган.

Мустақилликнинг 15 йили мобайнида мамлакатда ижтимоий, маданий ва халқаро ҳаётнинг деярли барча томонларига тааллуқли ижобий ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши бобида фаол ва самарали қадамлар қўйилдики, бу кўп жиҳатдан мамлакат фуқароларига ахборотдан эркин фойдаланиш имкониятларини яратиш даражаси билан боғлиқдир.

Ахборот ва коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланаётган асрда ахборот сиёсати маданий сиёсатнинг бир бўлаги ҳисобланади. Аҳолининг ахборот-кутубхона ресурсларидан тўлиқ фойдаланишини таъминлаш, давлатимизнинг жаҳон ахборот оқими билан тўлақонли ҳамкорлиги ўтган асрнинг 80-йиллари охири 90-йиллари бошларида ахборот ва телекоммуникация технологияларини кенг жорий этиш масалалари республика даражасида ҳал қилина бошланган даврдан ривожлана борди. Бу жараёнга нафақат илмий техника ахбороти институтлари, балки республиканинг глобал ахборот тизимига киришининг долзарблигини тушуниб етган кутубхоналар, олий таълим муассасалари ҳам киришдилар. Бунинг натижаси қабул қилинган қуйидаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар бўлди: “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги (1993), “Электрон ҳисоблаш машиналари ва маълумотлар базаси учун дастурларни ҳуқуқий ҳимоялаш тўғрисида”ги (1994) қонунлар ва “Ўзбекистон Республикаси

ахборотлаштириш концепцияси” (1994). Кейинроқ миллий ахборотлаштириш тизимини шакллантириш, ахборотдан фойдаланиш бўйича ўсиб бораётган талабларни қондириш мақсадида қуйидаги қонун ва ҳужжатлар ишлаб чиқилиб қабул қилинди: “Электрон тижорат тўғрисида” (2003), “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида” (2003), “Электрон рақамли ёзувлар тўғрисида”ги (2004) қонунлар, “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ва “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори (2002).

Бутун ахборот имкониятлари асосан кутубхоналарда йиғилган бўлиб, фойдаланувчилар шу ерда кутубхонада йиғилган ёки узоқдаги ахборотдан фойдаланиши мумкин. Ахборот ва Интернет технологияларининг ривожланиши, кутубхоналарга ўз ресурсларини тартибга келтириш, электрон маълумотлар базасини яратиш, ахборот ресурсларини кооперациялаш, уларга эркин кириб, фойдаланишни таъминлаш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори кутубхоначилик ишида ахборот ва телекоммуникация технологиясини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган. Қарор, бундан ташқари, аҳолини ахборот кутубхона билан таъминлашни такомиллаштириш, энг муҳими кутубхоначилик ишини ривожлантириш учун зарур бўлган республика кутубхоначилик тизимини тубдан ислоҳ қилишга асос бўлди. Қарорда ўрганиб кетилган кутубхоначилик бирлашмалари (МКТ) ва оммавий кутубхоналар – шохобчаларсиз ахборот кутубхона тизимларига мутлақо янги нуқтаи назардан қарашлар белгилаб олинди. Қарорда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги кутубхоналар тармоғини янгидан тузиш, уларни Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Алоқа

ва ахборотлаштириш агентлиги тасарруфига ўтказиш, замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда янги ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларини ташкил этиш, аҳолини ахборот билан таъминлаш учун зарур шароитларни яратиш кўзда тутилади.

Республика кутубхоначилиқ соҳасини ислоҳ қилиш ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона фаолиятини белгилаб берувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, ахборот-кутубхона ишининг асосий методлари ва шаклларини қайта кўриб чиқиш, анъанавий иш шаклларида ахборотлаштиришни ҳисобга олган янги, ўта такомиллашган ва самарали методларни жорий этиш ва фойдаланишга ўтиш заруратини келтириб чиқарди.

# **I БОБ. ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНА ҚУРИШДАГИ ХУҚУҚИЙ ВА МЕЪЁРИЙ АСОСЛАР**

## **1.1. Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташқил этиш тўғрисида Президент қарори**

№ ПҚ-381 2006 йил 20 июнь

Замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда кутубхона тармоғини ташқил қилишни такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга, маданий, маънавий-ахлоқий кадриятларни сақлаб қолишга йўналтирилган, принципиал янги ахборот марказларини барпо этиш, шунингдек аҳолини янада кенгроқ ва тизимли ахборот билан таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги кутубхоналарини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ОЎМТВ-нинг Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги ихтиёрига ўтказиш йўли билан олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари ҳузурида ахборот-ресурс марказларини тузиш;

Қорақалпоғистон Республикасининг Республика кутубхонаси, вилоятлар илмий-универсал кутубхоналари, шунингдек Тошкент шаҳар марказий кутубхонаси негизида идоравий жиҳатдан Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига бўйсунувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказларини ташқил этиш тўғрисидаги таклиф-лари қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар ахборот-ресурс марказларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

-таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда аҳолининг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мунтазам таълим олиши ва мустақил равишда таълим олишига кўмаклашиш;

-миллий маънавий-ахлоқий кадриятларни кенг кўламда тарғиб қилиш, халқнинг маданий-тарихий меросидан баҳраманд бўлишини таъминлаш, маънавий бой ва уйғун камол топган шахснинг ижодий ўсиши учун имконият яратиб бериш;

-янги ахборот технологиялари (маълумотлар электрон базалари, интернет ресурслари) асосида аҳолига ахборот хизмати кўрсатиш;

-маданий, таълим, ахборот ҳамда бошқа дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун таълим муассасалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, миллий маданият марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

### 3. Ахборот-кутубхона марказлари зиммасига:

-аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, унинг илмий, таълим, ахборот ва маданият соҳасидаги қизиқишларини замонавий ахборот технологиялари асосида тезкорлик билан қондириш;

-китобхонларга анъанавий кутубхона хизмати кўрсатишдан ўз ахборот ресурсларини яратиш ва жаҳон илмий-таълим ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятини бериш йўли билан ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишга ўтишни таъминлаш;

-универсал ахборот ресурслари, миллий ва хорижий нашрлар (босма, аудиовизуал, электрон ва бошқа) фондларни шакллантириш, сақлаш ва фойдаланиш учун бериш;

-йиғма электрон каталог ёрдамида ахборот ресурсларини бирлаштирувчи электрон кутубхоналар ва маълумот базаларини яратиш;

жойларда ахборотлаштириш ва кутубхоначилик иши соҳаси- даги ахборот-ресурс марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ташкилий-методик жиҳатдан таъминлаш вазифаси юклансин.



#### 4. Қуйидагилар:

-ахборот-ресурс тармоғи ва ахборот-кутубхона марказлари схемаси 1-иловага мувофиқ;

-ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказларини яратиш топшириғи 2-иловага мувофиқ;

-республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш:

-бир ой муддатда белгиланган тартибда кутубхоналарни, 4-иловага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ОЎМТВнинг Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ихтиёрига бепул ўтказишни ҳамда улар оқилона қайта ташкил этилишини;

-икки ой муддатда барча кутубхона фондларини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда қайта рўйхатдан ўтказиш учун эксперт комиссиялари тузилишини;

-икки ой муддатда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ишини белгилаб берувчи тегишли норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилишини;

-ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари танлов асосида малакали кадрлар билан тўлдирилишини;

-ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари юксак самара билан фаолият кўрсатишини ҳамда аҳолининг барча қатламлари улардан бемалол фойдалана олишларини таъминласин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Идоралараро кенгаш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Амалга оширилган ишларнинг яқунлари тўғрисида 2006 йилнинг 1 декабригача Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига маълумот

берилсин.

6. Белгилансинки, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказ-лари фаолиятини молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда 2007 йилнинг январидан бошлаб ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида электрон кутубхоналарни ташкил қилган ҳамда илғор ахборот технологияларини татбиқ этган ҳолда ушбу марказларни компьютерлаштириш учун зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ахборот-ресурс марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга кўмаклашишни таъмин-ласин.

7. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги зиммасига:

-ахборот-кутубхона марказларини белгиланган тартибда "ZiyoNET" ахборот тармоғига босқичма-босқич улаш ва уларнинг ресурсларига аҳоли кенг қатламларининг киришини таъминлаш;

-электрон кутубхоналар тизимини ривожлантириш, кутубхона ахборот ресурсларини тизимлаштириш вазифаси юклансин.

8. 2006-2007 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат маданият институти ва Тошкент ахборот технологиялари университетида "ахборотлаштириш ва кутубхонашunosлик" таълим йўналиши бўйича бакалаврият кадрлари ҳамда магистратура тегишли мутахассислик-лари бўйича кадрлар тайёрлаш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон Алоқа ва ахборот-лаштириш агентлиги:

-бир ой муддатда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказ-лари кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишга нисбатан кўйиладиган талабларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

-электрон дарсликлар ва кутубхоналар, мультимедиа тизимлари ва

дастурлари яратилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

## **1.2. Предмет соҳаси**

### **АКМнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

АКМ қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

4.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 20 июндаги қарорида кўрсатилган мақсадлар ва вазифаларга ва ушбу Низомга мувофиқ кутубхона-ахборот хизмати кўрсатиш шакллари, воситалари ва усуллари мустақил танлаш.

4.2. Ахборот ресурслари ва бошқа ҳужжатларни тўплаш манбаларини белгилаш.

4.3. Кутубхона фондини ҳисобга олиш бўйича йўриқномага мувофиқ фондларда ҳужжатларни олиш ва реализация қилиш.

4.4. Тасдиқланган АКМ тарифлари бўйича пуллик ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатиш.

4.5. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ кутубхона уюшмалари ва иттифоқлари ишида қатнашиш.

#### **АКМ қуйидагиларга мажбурдир:**

4.6. Ҳар қандай фойдаланувчилар тоифасининг АКМнинг ахборот ресурслари билан ишлаш имкониятини таъминлаш.

4.7. Фойдаланувчиларни АКМ томонидан кўрсатиладиган хизмат турлари ҳақида хабардор қилиш.

4.8. Халқаро коммуникатив MARC форматлар негизида электрон каталогни мунтазам равишда шакллантириш.

4.9. Фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини ва муаллифлик ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун талабларини ҳисобга олган ҳолда маълумотларнинг тўлиқ матнли электрон базаларини яратиш.

4.10. Мавжуд меъёрий ҳужжатларга мувофиқ фондлар ва каталоглар ташкил этилишини таъминлаш.

4.11.Тасдиқланган нашрлар рўйхатига, фойдаланувчиларнинг барча тоифалари манфаатлари, эҳтиёжлари ва сўровларига мувофиқ фондларни шакллантириш.

4.12.Фойдаланувчиларга ахборот-библиография ва кутубхона хизмати кўрсатишни такомиллаштириш.

4.13. Ахборот манбалари фойдаланилишининг сақланишини таъминлаш, уларни тизимлаштириш, жойлаштириш ва сақлаш.

### **Бошқарув. АКМ тузилмаси ва штатлари**

5.1. АКМни бошқариш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжат- ларига, мазкур Низомга мувофиқ амалга оширилади.

5.2. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги раҳбарияти билан келишув бўйича РАКМ директори лавозимига тайинланадиган ва озод этиладиган Директор АКМ раҳбари ҳисобла- нади.

5.3. Директор Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, мазкур Низом асосида иш кўради, АКМ фаолиятига жорий раҳбарлик қилади ва Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳузури- даги республика ахборот марказига ахборот беради.

5.4. Директор ўз ваколатига тегишли масалалар бўйича яккабошчилик асосида иш кўради ҳамда АКМ фаолиятини ташкил этиш ва таъминлаш бўйича қуйидаги функциялар ва мажбуриятларни бажаради:

5.4.1. АКМ манфаатларини ифодалайди, унинг номидан ишонч- номасиз иш кўради.

5.4.2. Амалдаги қонун ҳужжатларида ва мазкур Низомда белги- ланган доираларда АКМ мол-мулкани тасарруф қилади, шартномалар тузади, АКМнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

5.4.3. РАКМ билан келишув бўйича ўз ўринбосарларини тайин- лайди, ходимларни лавозимга ёллайди, лавозимдан озод қилади, улар билан меҳнат

шартномалари тузади, рағбатлантириш ёки танбеҳ бериш чораларини қўллайди, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ рағбатлантирувчи тусга эга бўлган қўшимча ҳақ, устамалар ва бошқа тўловлар турлари ва миқдорини белгилайди.

5.4.4. РАКМ билан келишув бўйича АКМнинг тузилмасини, штат жадвалини, таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомни, лавозим йўриқномаларини, АКМдан фойдаланиш қоидаларини, фондларни бутлаш йўриқномасини тасдиқлайди, уни АКМ сметасини тасдиқлаш учун РАКМга тақдим этади.

5.4.5. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий вазифаларни ҳал этиш учун АКМ ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайди, АКМ-нинг моддий-техника базасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, фойдаланувчилар ва ходимлар учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича белгиланган тартибда чора-тадбирлар кўради.

5.4.6. АКМ фаолияти билан боғлиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

5.5. Ахборот-кутубхона марказларини малакали кадрлар билан бутлаш танлов асосида амалга оширилади.

5.6. Кутубхона кадрларидан ташқари АКМ ахборот технология-лари соҳасида қуйидаги мутахассислар билан бутланади: маҳаллий тармоқ ва маълумотлар базаси маъмури; электрон ахборот ресурс-ларини шакллантириш бўйича оператор, ҳисоблаш техникаси восита-ларига хизмат кўрсатувчи техник.

### **АКМнинг мол-мулки ва молияси**

6.1. АКМ фаолиятини молиялаштириш республика бюджети ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

6.2. АКМнинг бинолари, иншоотлари, кутубхона фондлари, бошқа молмулки давлат мулки ҳисобланади ва АКМ ва РАКМнинг тезкор

бошқарувида бўлади ҳамда бирор-бир ўзгага берилмайди, хусусийлаштирилмайди ва гаровга қўйилмайди.

6.3. АКМ эгаллаб турган ер участкаси у мавжуд бўлган бутун даврда бепул фойдаланиш ҳуқуқи билан унга бириктирилади.

6.4. АКМни, шу жумладан у жойлашган хоналар ва бинони давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга йўл қўйилмайди.

6.5. АКМ пуллик кутубхона-ахборот хизматлари кўрсатиш ҳуқуқига эгадир. Бундай хизматлар рўйхати АКМ дирекцияси томонидан белгиланади ва тасдиқланади.

6.6. Фондни бутлаш ва асбоб-ускуналар харид қилиш учун мақсадли маблағлар шаклида АКМ томонидан олинган ҳомийлик ёрдами нормативлар ва бюджетдан молиялаштиришнинг мутлақ миқдорлари пасайишига олиб келмайди.

6.7. АКМ томонидан топширилган қоғоз чиқиндилари учун олинган пул маблағлари АКМнинг моддий-техника базасини яхши-лашга, профессионал нашрларга обуна бўлишга, ҳужжатлар фондиди бутлашга сарфланади.

6.8. Тезкор бошқариш ҳуқуқи билан АКМга бириктирилган мол-мулкдан вазифасига кўра фойдаланилишива уларнинг сақланиши устидан назорат қилишни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда РАКМ амалга оширади.

### **АКМни қайта ташкил этиш ва тугатиш**

7.1. АКМни қайта ташкил этиш ва тугатиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) амалдаги қонун-чиликда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

7.2. АКМни қайта ташкил этишда барча ҳужжатлар (бошқарув, молия, хўжалик ҳужжатлари, шахсий таркиб бўйича ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар), мол-мулк ва фондлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилади.

7.3. АКМ тугатилса унинг архивлари амалдаги қонун ҳужжатлари- да белгиланган тартибда АКМ жойлашган жой бўйича давлат архивига берилади.

### **1.3. Ахборот тизимлари тузилмаси**

#### **Янги ахборот технологиялари**

Ахборот технологияларининг лойиҳалаштирилаётган технологик таъминотининг мажбурий элементлари туркумига қуйидагилар киради: ахборот, лингвистик, техник, дастурий, математик, ташкилий, ҳуқуқий, эргономик.

*Ахборот таъминоти* – ахборот тизимларида циркуляцияланувчи маълумотларнинг ҳажми, жойлашиши, ташкиллаштириш шакли бўйича лойиҳа қарорларининг тўпламидир. У автоматлаштирилган хизмат кўрсатиш учун махсус ташкил этилган кўрсаткичлар тўплами, маълумотлар элементларининг классификатори ва кодланган белгилашларни, ҳужжатлаштиришнинг унификацияланган тизимини, машиналашган ахборот ташувчилардаги базалар ва маълумотлар банкидаги маълумотлар массивини ҳамда ахборотларни қайта ишлаш технологиялари сифатли тарзда ва ўз вақтида тақдим этадиган, ишончлик сақланишини таъминлайдиган персонални ўз ичига олади.

*Лингвистик таъминот (ЛТ)* фойдаланувчиларнинг ҳисоблаш техникаси воситалари билан мулоқоти даврида табиий тилни формаллаштириш, ахборот бирликларини мослаштириш ва тузиш учун тил воситалари тўпламини бирлаштиради. ЛТ ёрдамида инсоннинг машина билан мулоқоти амалга оширилади. ЛТ қуйидагиларни ўз ичига олади: ахборот базаси (ҳужжатлар, кўрсаткичлар, реквизитлар ва ҳ.к.)нинг тузилмавий бирликларини шарҳлаш учун зарур бўлган ахборот тилларини; АТ нинг ахборот базасидаги маълумотларни манипуляция қилиш ва бошқарув тилларини; ахборот – қидирув тизимларининг тиллар воситаларини; ахборот тизимлари ва ахборот технологияларини



лойихалаштиришни автоматлаштиришнинг тил воситаларини; махсус мўлжалланган мулоқот тиллари ва бошқа тилларни; автоматлашган ахборот тизимлари ва ахборот технологияларининг яратилиши ва фаолият юритиш жараёнида қўлланиладиган атамалар ва тушунчалар тизимини.

*Техник таъминот* ахборот технологияларининг ишини таъминлаб берувчи техник воситалар (маълумотларни йиғиш, қайд қилиш, узатиш, қайта ишлаш, ифодалаш, кўпайтириш техник воситалари, оргтехника ва б.) мажмуидир. Барча техник воситалар орасида марказий жойни ШК эгаллайди. Техник воситалар билан бир қаторда методик ва рахбарий материаллар, техник хужжатлар ва техникага хизмат кўрсатувчи персонал техник таъминотнинг тузилмавий элементи ҳисобланади.

*Дастурий таъминот* - ахборот тизимлари масалалари ва вазифаларини амалга оширувчи ва техник воситалар мажмуининг турғун ишлашини таъминловчи дастурлар тўпламини ўз ичига олади. Дастурий таъминот таркибига, умумтизим ва махсус дастурлар ҳамда дастурий таъминот воситаларини қўлланилиши бўйича йўриқнома-методик материаллар ва дастурий таъминотни ишлаб чиқувчи ва тадбиқ этувчи ходимлар киради.

Умумтизим дастурий таъминотига, фойдаланувчиларнинг кенг доирасига мўлжалланган ва ҳисоблаш жараёнини ташкиллаштириш учун кўзланган ва ахборотни қайта ишлашда тез-тез учраб турадиган вариантларини ажарадиган дастурлар тааллуқли бўлади. Улар ШК функционал имкониятларини кенгайтириш, ҳисоблаш ишлари навбатларини режалаштириш ҳамда дастурчилар ишини автоматлаштириш имконини беради. Махсус дастурий воситалар муайян функционал мақсадли ахборот технологияларни яратилишида ишлаб чиқилган дастурлар тўламидир. У ахборот тизимлари функционал масалаларини ечишда маълумотларни ташкиллаштириш ва қайта ишлашни амалга оширадиган амалий дастурлар пакетини ўз ичига олади.

*Математик таъминот* — функционал масалаларни ечишда ва лойиҳалаштириш ишларини автоматлаштириш жараёнида қўлланиладиган математик методлар, моделлар ва маълумотларни қайта ишлаш алгоритмлари тўпламидир. Математик таъминот, бошқарув жараёнларини моделлаштириш, бошқарувнинг намунавий масалаларини ҳал этиш воситалари ва усуллари, тадқиқ этилаётган бошқарув жараёнларини оптимизациялаш ва қарор қабул қилиш методларини (оптимизациянинг кўпкритерияли, математик дастурлаштириш, математик статистика, оммавий хизмат кўрсатиш назарияси ва бошқа методлар) ўз ичига олади. Ахборот технологияларининг ушбу турдаги таъминотининг техник хужжатлари, масаланинг қўйилиш баёни, алгоритмлаштириш бўйича масалалар, масаланинг ҳал этилишининг иқтисодий-математик методлари ва моделлари, назорат учун намунавий масалалар матни ва уларнинг ечилишидан таркиб топади. Персонал объект бошқарувини ташкил этиш соҳасидаги мутахассислардан, функционал масалалар кўювчилардан, бошқарув жараёнларини моделлаштириш ва ҳисоблаш методлари бўйича математик-мутахассислар ва ахборот технологияларининг лойиҳаловчиларидан иборатдир.

*Ташкилий таъминот* бу ахборот тизимларини лойиҳалаштириш жараёнида тузилган, тасдиқланган ва эксплуатация қилишда юритиладиган хужжатлар мажмуидан ташкил топади. Улар ахборот технологиялари, ФМЕАТ ва ишлаш шароитида ахборот тизимлари персоналининг фаолиятини меъёрга солади. Бошқарув масалаларини ҳал этиш жараёнида ушбу таъминот тури, бошқарув хизмати ходимлари ва ахборот технологиялари персоналининг техника воситалари билан ва ўзаро ҳамкорлигини аниқлайди. Ташкилий таъминот ахборот тизимлари, ахборот технологиялари, ФМЕАТ ва ҚТ ларнинг яратилиши, тадқиқ этилиши ва эксплуатация қилиниши босқичлари бўйича турли методик ва раҳбарий материалларида амалга оширилади. Жумладан, у лойиҳаолди тадқиқотларини ўтказишда, лойиҳалаштириш учун техник-иқтисодий асослаш ва техник масалаларни тузишда, лойиҳалаштириш жараёнида

лойиха қарорларини ишлаб чиқишда, автоматлаштирилаётган масалаларни, намунавий лойиха қарорларини ва амалий дастурлар пакетини танлашда шаклланади ҳамда бу технологик ишчи ҳужжатларда ўз аксини топади, тизимни жорий этиш ва уни эксплуатация қилиш жараёнида эса тузатишлар киритилади ва ечимини топаётган масалалар доирасининг кенгайишига қараб тўлдирилиб борилади.

*Ҳуқуқий таъминот* ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини яратиш ва жорий этишдаги ҳуқуқий муносабатларни меъёрга соладиган, ҳуқуқий нормалар тўпламидир. Ҳуқуқий таъминот ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини яратиш босқичида буюртмачи ва ижрочи ўртасидаги шартнома муносабатларининг ушбу жараённи амалга оширилишидаги турли четлашишларни ҳуқуқий бошқаришни ҳам ўз ичига олган норматив актлардан ҳамда турли хил ресурсларга эга бўлган ахборот тизимлари ва АТ яратиш жараёнини таъминлаш учун зарур бўлган актлардан ташкил топади.

Ҳуқуқий таъминот, ахборот тизимлари ва АТларининг фаолият юритиш босқичида, уларнинг статусини аниқлашни, ташкилотдаги ахборот тизимлари ва АТлари звеноларининг ваколатларини ва ҳуқуқий ҳолатини, ҳуқуқини, персоналнинг мажбуриятлар ва жавобгарлигини, ахборот тизимларида маълумотни ҳосил қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини, уни қайд этиш, йиғиш, сақлаш, узатиш ва қайта ишлаш процедурасини, ҳисоблаш ва телекоммуникация техникаларини сотиб олиш ва ундан фойдаланиш ҳамда математик ва дастурий таъминотни яратиш ва фойдаланиш тартибини ўз ичига олади.

#### **1.4. Автоматлаштирилган иш жойлари (АИЖ)**

Лойихалаштиришнинг яна бир муҳим объекти, ташкилот бошқарувининг турли бўғинлари ва даражаларидаги раҳбарлар ва мутахассисларнинг автоматлаштирилган иш жойи (АИЖ) ҳисобланади. Бу жараёнда ходимнинг мутахассислик бўйича йўналтирилганлиги аниқловчи

фактор саналади. Ўрта бўғиндаги раҳбарлар ва мутахассисларнинг асосан тактик характердаги масалаларни ҳал этишини инобатга олсак, улар чегараланган вақт оралиғида ўртача заруратдаги ишларни режалаштириш, таҳлил ва ташкил этиш билан шуғулланиши келиб чиқади. Бундай котегориядаги ходимларнинг АИЖ, улар томонидан ҳал этиладиган масалаларнинг махсус хусусиятларидан келиб чакқан ҳолда лойиҳалаштирилади. Бундай хусусиятларга, натижавий хужжатларни шакллантиришнинг даврийлигини (меъёрга солинганлиги), масалаларни ечишнинг мукамал аниқланган алгоритмларини, мутахассис АИЖ маълумотлар базасида ёки ахборот тизимларининг корпоратив файл-серверда тўпланаётган ва сақланаётган ҳар хил турдаги норматив-маълумотнома ва тезкор маълумотлардан фойдаланишни мисол қилиб келтириш мумкин. Юқори бўғиндаги бошқарув раҳбарларининг (ташкилот раҳбарлари) АИЖ стратегик ва башорат масалаларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирилади. Бундай масалалар туркумига: стратегик мақсадларни кўйиш, моддий ресурсларни режалаштириш, молиялаштириш манбаларини танлаш ва бошқаларни киритиш мумкин. ҚТ масалалари одатда мунтазам бўлмаган характерга эга бўлади, уларга мавжуд ахборотнинг етишмовчилиги, маълумотларнинг мазмунан қарама-қаршилиги, аниқмаслиги, мақсад ва чегараланганликни сифат жиҳатдан баҳолашнинг устунлиги, масалани ечиш алгоритмининг кучсиз шаклланганлиги каби хислатлар мос келади. Шу сабабли раҳбарнинг АИЖ, ихтиёрий шаклдаги аналитик ҳисоботлар тайёрлаш, математик-статистик таҳлил масалаларини амалга ошириш, эксперт баҳолаш ва эксперт тизимлар, математик ва имитацион моделлаштириш, таҳлил натижаларини турли графиклар кўринишида чиқариш ва шу кабилар учун зарур бўлган дастурий воситалар билан жиҳозланган бўлиши керак. Бунда умумлаштирилган маълумотлар базаси, ахборот омборлари, билимлар базаси, қарор қабул қилишнинг қоида ва моделларидан фойдаланиш зарурати эътиборга олинади. Замонавий ахборот технологиялари бошқарув жараёнини такомиллаштириш учун кенг

имкониятлар очиб бермоқда. Қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлаш тизими ҳар қандай бўғиндаги раҳбарлар учун, аналитик иш ва қарорни тайёрлаш жараёнида фақатгина миқдор жиҳатдангина эмас, балки баҳолаш ва бошқарув процедураларини ҳисобга олиш устидан назорат ўрнатишлари учун реал шароитларни яратади. Кенг тарқалган янги замонавий ахборот технологиялар:

*Видео технология* — бу тасвирлардан фойдаланиш технологияси. Бундай технологиялардан олдин визуаллаштириш, яъни маълумотларни тасвирлар кўринишида ифодалаш муҳим аҳамият касб этади. Маълумотларни қайта ишлаш ҳажмининг тез ўсиши олинган маълумотларни ифодалашнинг янги услубларини кидиришни талаб этади. Видеоконференцияларни ташкил этиш, ўзаро узокда жойлашган фойдаланувчиларнинг ҳаракатланувчи тасвирларидан фойдаланиш асосида йиғилишлар ўтказиш технологиялари билан боғлиқ. Бунда техник воситалар реал вақт режимида ишлайди. *Мультимедиа технология* (мультимухит) ихтиёрий турдаги маълумотларни комплекс ифодалашга асосланади. Бундай технология мультимухитни ташкил этувчи символ, матн, графиклар, тасвирлар, ҳужжатлар, овозлар, нутқларни биргаликда қайта ишланишини таъминлайди. Тасвир экранга матн ва овоз билан биргаликда узатилиши мумкин. Мультимедиа технологиялар таълим тизимларида катта самара билан қўлланилади. Бунга асосий сабаб шуки, фойдаланувчи мультимухитда фаол ишлаши сабабли кўриб қабул қилаётган ахборотининг 75 %, эшитганда эса фақатгина 25 % эслаб қолади. *Нейрокомпьютер технологиялари* микропроцессорлар базасидаги махсус нейрокомпоненталарнинг бир-бири билан ўзаро таъсирлашувидан фойдаланади. Бундай ёндашув нерв хўжайралари (нейронлар) ҳолатини моделлаштиришга асосланган. Нейротехнология мураккаб масалаларни ҳал қилиш учун сунъий интеллект яратишда қўлланилади. Мураккаб масалаларга фотосуратларни, нутқни, бармоқ изларини, қуршаб турган ҳолат ва муҳитни, чекларни ва б. таниб олиш киради. Нейротехнологияларнинг асосий ташкил этувчилари нейрон

процессорлар ва компьютерлар ҳамда мураккаб масалаларни ечишни таъминловчи алгоритмлар синфи сифатидаги нейронли тармоқлардир. Нейротармоқлар ўз-ўзини ўқитиш ва тез амаллар бажариш қобилиятига эга бўлади, чунки уларда ахборотни қайта ишлаш ўзаро параллел фаолият юритувчи кўплаб компонентларда амалга оширилади. *Объектга йўналтирилган технологиялар* объектлар тўпламини аниқлаш ва ўзаро ҳамкорликни ўрнатишга асосланади ва компьютер тизимларини яратишнинг лойиҳалаштириш ва дастурлаш босқичида қўлланилади. Объектлар сифатида фойдаланувчилар, дастурлар, мижозлар, хужжатлар, файллар, жадваллар, маълумотлар базаси ва бошқалар иштирок этади. Объект — бу маълум вазифаларни бажарадиган ва ахборот манбаи ёки истеъмолчи ҳисобланган предмет, воқеа ёки ходисадир. Шу тушунча асосида, Microsoft фирмаси томонидан ишлаб чиқилган объектларни боғлаш ва компоновкалаш (OLE) технологияси яратилган. Объектга йўналтирилган технологияларнинг қўлланилиши бошқарув тизимларида самарали ечимларга эга бўлиш имконини беради.

*Билимларни бошқариш технологияси* бу шунчаки ягона ахборот фазосига эга автоматлаштирилган тизимни яратиш эмас, балки бир ходимнинг билимидан барча баҳраманд бўладиган муҳитни яратиш имконини беради. Бундай вариант ўта мураккаб масалалар мажмуини ҳал этишда ва махсус яратилган технологик муҳитда қарор қабул қилишда зарур. Билимларни бошқариш, бирор предмет соҳаси бўйича ташкилий тўплам ҳисобланган билимлар базасидан фойдаланиш билан амалга оширилади. Билимлар базаси сунъий интеллект масалаларини ҳал этишда, масалан эксперт тизимларида қўлланилади. Билимлар базаси билимлар билан ишлаш учун зарур бўлган маълумотлар, билимлар (уларнинг моделлари), мантиқий хулосалар қоидалари йиғимидан ташкил топади.

*Интернет-технология* ахборот тармоқларини глобал ахборот тузилмаларига бирлаштиришга асосланган. Бошқа сўз билан айтганда, Интернет — бу фойдаланувчиларга хужжатларни тақдим этиш, дастурларни,

китоблар матнини, тасвирларни тарқатадиган, коммуникацион сервисни, электрон почта, янгиликлар хизматини, файлларни жўнатиш ва бошқа хизматларни амалга ошириш имкониятига эга бўлган ахборот марказларидан ташкил топган ахборот тармоқларининг глобал халқаро ассоциясидир. Интернет технология таълим бериш, илмий тадқиқотлар олиб бориш ва бизнес соҳасида қўлланилади. Интернет орқали кўп сонли фирмалар турли хилдаги сервисларни таклиф этдилар, бу ўзларининг маълумотлар ва билимлар базалари, маҳсулотлар ва хизматлар рекламаси, маслаҳатлар ва бошқа турдаги ёрдамлардир. Ахборот технологияларини ривожланиши кўпроқ интеллектуал, илмий муаммоларга йўналтирилган. Маълумотларни визуаллаш, тасвирларни қайта ишлаш, виртуал фазони яратиш инсонга мураккаб масалаларни ечишда образли муҳитга тушиш, қўйилган мақсадларга сифат жиҳатдан янги савияда яқинлашиш, бошқарув қарорларини тайёрлаш ва қабул қилишни енгиллаштириш каби имкониятларни яратади.

АҚШ, Россия, Ғарбий Европа ва Япония каби мамлакатларда ахборот технологияларини ривожланишининг замонавий ҳолати қуйидаги тенденциялар билан тавсифланади: 1) жамиятнинг амалда барча турдаги фаолиятига оид маълумотлардан иборат катта ҳажмга эга бўлган кўп миқдордаги маълумотлар банкининг мавжудлиги; 2) турли мақсадларни амалга оширишга мўлжалланган локал, кўпфункционал муаммога-йўналтирилган ахборот тизимларини яратиш. Ўзбекистонда илмий, технологик ва бошқа, жумладан ҳуқуқий («Норма», «Право», «LexUz» ва б. тизимлар) ахборотларга эга бўлган маълумотлар банки яратилган.

## **II БОБ. АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНА ДАСТУРИНИ ЯРАТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

### **2.1. Масаланинг қўйилиши**

Ушбу битирув малакавий ишини бажаришдан мақсад, кутубхона ходимларининг иш турлари бўйича иш вақтини статистик ҳисобини амалга оширувчи тизим дастурий таъминотини яратишдир.

Кутубхона ходимлари ўз иш фаолияти даврида турли вазифаларни бажарадилар ва ҳар ой бўйича ҳар бир ходим ҳисобот тайёрлайдилар. Ҳар бир иш тури бўйича кунлик меёрлар белгиланган ва ҳар бир бажарилган ишлар ҳисоби вақт харажатлари ҳисоблаш тизими бўйича аниқланади.

Кутубхоначи бажарадиган ишлар рўйхати ва уларни ҳар бири учунвақт меёри (норматив берилади) кун ҳисобида ва ҳисоб формулалари келтирилади.

М-н:

- бажариладиган иш номи
- бу ишни бажариш элементлари
- вақт меёри
- қайта ишланганлар сони (а)
- сўралганлар сони
- вақт сарфи

Бундай маълумотлар ҳар ходим учун бажарилаган ишлар бўйича ойлик ҳисоботлар таёрланади.

Кутубхоначи бажарадиган ишлар:

1. кутубхона фондини комплектация қилиш
2. келиб тушган ҳужжатларни қабул қилиш ва ҳисобга олиш
3. ҳужжатларни каталоглаштириш



4. маълумотли-библиографик ва ахборот-библиографик иши
5. хужжатларга техник ишлов бериш
6. фойдаланувчига хизмат кўрсатиш
7. услубий иши
8. фонд билан ишлаш
9. меҳнатни ташкил қилиш ва бошқариш бўйича ишлар
10. ёрдамчи-техник ишлар
11. дастурий таъминот, тармоқларни ва х.к.ларни тузатиш бўйича ишлар
12. бошқа ишлар

Юқорида кўрсатилган ҳар бир иш деталлаштирилади, ҳар бирида бир нечтадан ишлар бор, ҳар бири учун вақт меёрлари берилган ва ҳар бири учун алоҳида ҳисобланиб, ҳар бир ходим ойлик (квартал, ярим йил ва х.к.) ҳисоботи тайёрланади.

## **2.2. Маълумотлар базалари тузилмаларини ишлаб чиқиш**

Маълумотлар базаларини лойиҳалаштиришда қуйидаги тавсифларини солиштириш ва таҳлил қилишга асосланган МББТни асослаб танлаб олиш муҳим вазифа ҳисобланади:

- дастурий техник базаси (ЭХМ тури ва модели, ҳисоблаш воситалари конфигурациясига қўйиладиган талаблар, ОТ версияси);
- маълумотлар базаларининг турлари (амалий, предмет, локал, интегреллашган, тақсимланган);
- фойдаланувчиларнинг малакалари (МББТ билан ишлаш учун махсус тайёргарликга эга бўлмаган фойдаланувчи, мутахассислиги дастурчи бўлмаган даражадаги маълумотлар базаси билан ишлашга тайёргарлиги бўлган предмет соҳасининг мутахассиси – фойдаланувчи, амалий дастурчи, маълумотлар базаларининг администратори);

- маълумотлар базалари билан фойдаланувчиларнинг мулоқат қилиш воситалари (дастурлаш тилларини ўз ичига оловчи маълумотлар устида иш олиб бориш ва тасвирлаш тили);
- маълумотларни қайта ишлаш режими (пакетли, интерактив, тармоқли);
- маълумотларни мантиқий ва физик мустақиллиги;
- маълумотлар базалари ахборот структураларининг асосий хоссалари (мантиқий структураси-МББТ воситалари орқали амал қиладиган ва ташкилий тузилмасини ўзгартирмасдан уни модификация қилиш имконияти, маълумотлар турини кенгайтирган холда қаршиликсиз ишлов беришда);
- ҳавфсизлик даражасини таъминлаш ва маълумотларнинг тўлақонлиги;
- хизмат кўрсатишнинг стандарт воситалари мавжудлиги (маълумотлар базаларини кузатишни доимий дастурий модулларини ва маълумотлар луғатини, маълумотлар базаларини енгиллаштирадиган (юқини туширадиган), қайта ташкил этадиган ва қайта структуралаштирадиган, тиклайдиган журнални юритиш, киритиш ва ҳисоботлар генераторлари ва ҳ.к.);
- ишлатиш тавсифлари (лойихачилар ҳақида, сармоя эгалари ҳақида, моддий-техник таъминотга бўлган талаблар, тарқатиш шакли).

Танлаб олинган МББТ бир қатор талабларни қондира олиши керак. Буларга предмет соҳаси турли функцияларининг самарали бажарилиши; хотира ресурсларидан самарали фойдаланиш учун сақланаётган маълумотлар ҳажмини минималлаштириш; моҳиятли ахборот қарорларини қабул қилишга имкон яратиш; ҳавфсизликни таъминлаш жараёнини бошқариш; ходимларга нисбатан маълумотлар базаларини ишлатиш билан боғлиқ юқори талабларнинг йўқлиги, ЭҲМни ишлатиш муложаасини соддалаштириш.

### **Маълумотларни МББТ воситалари билан ишлаш**

МББТнинг асосий воситалари қуйидагилар(11.6 - расм):

- маълумотлар базалари тузилмаларига топшириқ бериш (тасвирлаш) воситалари;
- маълумотларни киритиш, кўриш ва мулоқотлар режимида ишлашга мўлжалланган экран шакллари лойиҳалаш воситалари;
- берилган шароитларда маълумотларни танлаш учун талаблар яратиш, шунингдек, уларни ишлаш бўйича операциялар бажариш воситалари;
- фойдаланувчига қулай кўринишда ишлов натижаларини босмага чиқариш учун маълумотлар базасидан ҳисобот яратиш воситалари;
- тил воситалари - макрослар, қурилган алгоритмик тил (Dbase, Visual Basic ёки бошалар), талаблар тили (QBE- Query Example, SQL) ва ҳ.к.

Улар маълумотларни ишлашнинг ностандарт алгоритмларини, шунингдек фойдаланувчи топшириқларидаги воқеаларни ишлаш процедураларини бажариш учун қўлланилади. Маълумотлар базалари билан ишлаш турли опера-цияларини ягона технологик жараёнга бирлаштиришга имкон берувчи фойдаланувчи иловаларини яратиш воситалари (иловалар генераторлари, меню ва иловаларни бошқариш панелларининг воситалари)

## PHP тили

PHP тили айнан амалий масалаларни ечишда қурол сифатида ишлаб чиқилган. Расмус Лердорф, ўзининг on-line резюмесини нечта ўқияптганини билишни хоҳлагани учун Perl тилида CGI-қобикни яратган, яъни бу Perl скриптлар мажмуасидан иборат бўлиб, аниқ мақсад учун –ташрифлар статистикасини йиғишга яратилган.

**PHP имкониятлари.** “PHP ҳамма нарсани қила олади” дейдилар унинг яратувчилари. Биринчи навбатда PHP сервер томонида ишлайдиган скриптларни яратиш учун ишлатилади, умуман олганда у шу мақсадда яратилган эди. PHP ихтиёрий бошқа CGI-скриптлар ечадиган масалаларни еча олади, шу билан бирга html-формалар маълумотларни қайта ишлайди, html-саҳифаларни динамик тарзда генерация қилади. PHP дан бошқа

соҳаларда ҳам фойдаланиш мумкин. PHP дан асосан 3 та соҳада фойдаланиш мумкин:

- Биринчи соҳа, юқорида кўрсатилгандек иловалар (скриптлар) яратиш, улар сервер томонида бажарилади, PHP айнан шу хилдаги скриптларни яратиш учун кенг қўлланилади. Бундай ҳолда ишлаш учун PHP-парсер (яъни PHP-скриптларга ишлов берувчи) ва скриптга ишлов берувчи web сервер, скрипт иши натижасини кўриш учун броузер, ва албатта PHP кодни ўзини ёзиш учун матн тахрирловчиси керак бўлади.

PHP – парсер, CGI-дастури ёки сервер модули кўринишида тарқатилади.

- Иккинчи соҳа – бу команда қаторида бажариладиган скриптларни яратиш мумкин. Бундай иш учун фақат PHP-парсер зарур, бу ҳолда уни командақатори интерпретатори дейилади. Ишнинг бу тарзда ташкил этилиши, турли хил масалаларни режалаштирувчилар ёрдамида мунтазам бажарилиши керак бўлган скриптлар учун ёки матнга одий ишлов беришда ишлатилади.
- Энг охирги соҳа – клиент томонида бажариладиган бу GUI иловаларни яратиш (график интерфейслар). Принцип жиҳатдан бу PHP дан фойдаланишнинг айниқса бошловчилар учун энг яхши усули эмас, аммо PHP ни яхши ўрганганлар учун жуда фойдалидир. PHP ни бу соҳада қўллаш учун махсус инструмент – PHP-GTK- PHP кенгайтмаси талаб қилинади.

PHP қўлланиш соҳалари етарли даражада кенг ва турли тумандир. Аммо шу билан бирга дастурлашнинг бошқа тиллари ҳам жуда кўпдир, улар ҳам ўхшаш масалаларни еча олади.

